



20

0704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
т.:(8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, 2.Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

Бу.г «6» июл

№ 2258-7

Иштихон ш.-г.Иштихан

“Қорақўйли” маҳалла фуқаролар йиғини Қорақўйли массивидан “RAVSHAN SHIFOBAXSH” маъсуляти чекланган жамиятига, 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар массиви худудидан “Болалар богчаси” биносини қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибini тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон туманидаги “RAVSHAN SHIFOBAXSH” МЧЖ раҳбари Абдуназарова Робиянинг “Болалар богчаси” биносини қуриш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган хатинига асосан, Иштихон туманида 2015 йил намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар массиви худудидан “Болалар богчаси” биноси қурилиши бўйича вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 12 февралдаги 162-сонли хулосасини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 27 июндаги 25-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 12 февралдаги 162-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 27 июндаги 25-сонли далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Қорақўйли” маҳалла фуқаролар йиғини Қорақўйли массивидан “RAVSHAN SHIFOBAXSH” МЧЖга 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бош режасига асосан “Болалар богчаси” биносини қуриш учун 1000.0 (бир минг) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “RAVSHAN SHIFOBAXSH” МЧЖга ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда ушбу қурилган биналарни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ажратилган ер майдонида “Болалар богчаси” биносини қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов